Ўзбекистон Республикаси
Қашқадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри,180118, 7-миттитуман, 8-27, тел: +99891-4603010

"QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ нинг
2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботига

ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи : "QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ. СТИР рақами 200 670 475.
Манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 68 уй.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Жабборов Зариф Тошматович (аудитор малака сертификати раками № 05547, Ўзб. Респ. Молия вазирлиги томонидан 23.02.2018 й. берилган) **"QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ** нинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз **"QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ** нинг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изохлар билан фикр билдириш учун асос

Жамиятнинг 31.12.2018 йил балансида акциядорларга ҳисобланган дивиденд бўйича кредитор карздорлик мавжуд бўлиб, жамият йил якунига кадар тўлаши лозим эди. Ушбу хатолик молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган мухимлилик даражасига таъсир кўрсатмайди.

Изохлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, **"QASHQADARYODONMAHSULOTLARI" AJ** нинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Аудиторлик ташкилоти рахбари : - З.Эргашева

Бош аудитор : - З.Жабборов

2019 йил 18 март